

## **Жиноятда иштирокчилик, унинг турлари ва илмий-назарий хусусиятлари**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки йилларида барча соҳаларда ислохотлар амалга оширди. Барча соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимида ҳам туб ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида жиноят қидирув, уюшган жиноятчилик ва коррупция, солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тузилмалари ташкил қилинди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда иштирокчиликдаги жиноятчиликка қарши курашнинг ўзига хос миллий тизими яратилди. Иштирокчиликдаги жиноятчиликка қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги, «Одам савдосига қарши курашни тўғрисида»ги, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунлар қабул қилиниб, жиноят қонуни нормалари такомиллаштирилиши натижасида иштирокчиликда содир этилган жиноятларнинг маълум даражада камайишига эришилди.

Суд-тергов ҳаракатларини ўрганиш шуни кўрсатадики, амалда жиноятлар бир шахс ёки бир неча шахслар томонидан содир этилиши мумкин. Айрим ҳолларда икки ёки ундан ортиқ шахслар жиноий фаолият билан шуғулланиш учун ўз кучларини бирлаштиришлари мумкин. Якка шахс томонидан жиноят содир этилганда иштирокчилик институтига мурожаат этилмайди ва қилмишни квалификация қилишда иштирокчиликнинг шакл ва турларидан фойдаланилмайди. Икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан жиноят содир этилганда жиноятда иштирокчилик институтидан ҳуқуқий баҳолашда фойдаланилади. Шу ўринда, ижтимоий хавфи юқори бўлган жиноятлар кўп ҳолларда бир неча кишиларнинг бирлашиши орқали содир этилиши-ни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Шубҳасиз, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқоридир, чунки бир киши томонидан содир этилган қилмишлардан кўра бир гуруҳ шахслар томонидан амалга оширилган жиноят туфайли ижтимоий муносабатларга кўпроқ зарар етказилади.

Жиноятчилар гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишганда анча ишонч билан бемалол ҳаракат қилишади. Жиноятнинг уюшган гуруҳ ёки жиноий

гуруҳ томонидан амалга оширилиши енгил кечади, из қол- дирмаслик ва гувоҳларни йўқотиш осонлашади. Гуруҳ бўлиб жиноят содир қилинганда гуруҳ раҳбарларини фош этиш қийинлашади ва уларнинг яшириниши осон кечади. Бу жиҳатлардан олганда, ишти- рокчиликда содир этилган жиноятларнинг махсус ўрганилиши уюш- ган жиноятчиликка қарши курашда муайян ютуқларга эришишга ёрдам беради. Турли жиноятларда уюшган жиноятчилик даражаси бир хил бўлмай, уларнинг махсус ўрганилиши талаб этилади.

Иштирокчиликда содир этилган жиноятлар ўзининг ҳуқуқий хусусиятларига эга бўлиб, бу уларни мустақил жиноий-ҳуқуқий институтга ажратиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексининг Умумий қисми VII боби 27-30-моддаларида жиноятда иштирокчилик тушунчаси, турлари, шакллари ва жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарлик доираси аниқ қилиб белгилаб қўйилган. Жиноят кодекси Умумий қисмининг 27-моддасида жиноятда иштирокчилик тушунча- си ўз аксини топган. Унга кўра «Икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасдан жиноят содир этишда бирлашиб қатнашиши жиноятда ишти- рокчилик деб топилади» деб таъриф берилган.

Жиноят ҳуқуқи фанида иштирокчилик тушунчасига олимлар турлича таърифлар берган, лекин барча тарифларда жиноят бир неча шахслар томонидан содир этилиши ҳақида сўз боради. Иштирокчи- ликка тушунча бериш, энг аввало унинг мазмунини ёритишдан бош- ланади, мазмунини ёритиш эса унинг белгиларини таҳлил қилишдан бошланади.

Иштирокчилик тушунчасининг ЖК Умумий қисми институти сифатидаги таъбири етарлича кенгдир. Агар биз иштирокчилик тушунчасига чуқурроқ назар солсак, иштирокчилиكنинг объектив ва субъектив белгилари борлигини кўрамыз. Демак, қонун чиқарувчи иштирокчилик тушунчасида унинг белгиларига қисқача таъриф бериб ўтган. Иштирокчилиكنи объектив белгиларига: 1) икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг жиноятда қатнашганлиги; ҳамда 2) жиноятда улар иштирокининг биргаликда амалга оширилиши киради.

Бир жиноятнинг ўзида икки ва кўпроқ шахсларнинг иштирокини аниқлаш учун иштирокчилардан ҳар бири жиноят субъекти аломат- ларига эга бўлиши зарур, яъни ақли расо ва жавобгарлик ёшига етган бўлиши керак. Бир жиноятни содир этиш ёки жиноий фаолият билан шуғулланишда икки ёки ундан ортиқ шахснинг қатнашганлиги ишти- рокчиликнинг миқдорий кўрсаткични ташкил этади. Лекин, мазкур далилнинг ўзи иштирокчилиكنи тавсифлаш учун етарли эмас. Бир нечта

шахс бир макон ва замонда тасодифий бирлашиб қолиши, бироқ ҳар бири бошқаларидан мустақил равишда, яъни алоҳида жиноят содир этиши мумкин. Шунинг учун иштирокчилик миқдорий белги- сидан ташқари, объектив томондан бир неча шахс биргаликда ҳаракат қилаётганликларини англаб уюшганликларини тақозо этади.

Жиноятда биргаликда иштирок этиш жиноят ва жиноий фаолиятни биргалашиб, умумий мақсадларни кўзлаган ҳолда амалга оширилишини англатади ва қуйидагиларни билдиради: ҳар бир иштирокчининг қилмиши бошқа иштирокчилар қилмишини амалга ошириш учун зарурий шарт ҳисобланиб, улар бир бирни тўлдиради; барча иштирокчиларни қилмишлари бажарувчи содир этган жиноят билан сабабий боғланишга эга бўлади; юзага келган жиноий оқибат барча иштирокчилар учун умумий ва ягона ҳисобланади. Иштирокчиликнинг субъектив белгиларига қуйидагилар киради:

- 1) қасддан содир этилган жиноятнинг мавжудлиги;
- 2) ўзаро хабардорлик билан таърифланади.

Биринчи субъектив белги - иштирокчилик фақат қасддан содир этилган жиноятларда бўлиши ҳамда барча иштирокчиларнинг хатти-ҳаракати қасддан содир этилган жиноят сифатида талқин этилишидан иборат бўлади. Иштирокчиликда субъектив томоннинг ўзига хос хусусияти жиноятда ёки жиноий фаолият билан шуғулланиш учун ташкил топган жиноий гуруҳда иштирок этаётган ҳар бир шахснинг бошқа иштирокчиларнинг жиноий ҳаракатларидан хабардорлиги билан тавсифланади, иштирокчиликда субъектив томоннинг мавжуд бўлиши учун иштирокчиларда умумий қасд мавжуд бўлиши керак. Иштирокчилик эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятларда бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 28-моддаси 1-қисмида жиноят иштирокчилари тўрт турга бўлиб кўрсатилган. Булар: бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи ҳисобланади. Ҳуқуқшунос А.Якубов «мазкур турларни ажратиш асосига объектив мезон қўйилган бўлиб, у ҳар бир иштирокчининг жиноят содир этишда иштирок этиш даражаси ва хусусияти билан боғлиқ»лигини таъкидласа, ҳуқуқшунос М.Рустамбоев жиноят иштирокчиларини турларга бўлишда улардан ҳар бирининг биргаликда содир этадиган қилмишидаги функционал вазифаси асос қилиб олинганини уқтиради. Умуман, иштирокчиликда содир этилган жиноятларни таснифлаш ва жазо тайинлашда иштирокчилик турлари муҳим аҳамиятга эга.

Жиноят иштирокчилари ичида жиноятнинг бажарувчиси алоҳида ўринда туради. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 28-

моддасининг 2-қисмида бажарувчи тушунчаси берилган бўлиб, унга қуйидагича таъриф берилган: «Жиноятни бевосита тўла ёки қисман содир этган ёхуд ушбу Кодексга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб, жиноят содир этган шахс бажарувчи деб топилади». Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 28-моддаси иккинчи қисмининг мазмунига кўра, жиноятни бевосита бажарган шахснинг ўзигина эмас, балки жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган (жиноят субъекти ёшига етмаган ёки ақли норасо шахслардан) фойдаланиб жиноятни амалга ошириш ҳам бажарувчи деб топилади. Шунингдек, жисмоний шахс ҳисобланмайдиган воситалардан (хайвонлардан, бошқа техника воситаларидан) фойдаланиб жиноятни амалга оширган шахс ҳам бажарувчи деб топилади.

Бажарувчиларни жиноят иштирокчиси деб топиш учун икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг барчаси жиноят қонунида назарда тутилган жиноят субъектининг барча белгиларига эга бўлиши керак. Агар қонунда Махсус субъектларининг иштирокчилигида содир этилган жиноят учун жавобгарлик назарда тутилган бўлса, жиноятда иштирок этаётган шахсларнинг барчаси шундай махсус белгиларга эга бўлиши керак.

Жиноят ташкилотчиси жиноят иштирокчилари ичида энг хавфли шахсдир. У жиноят раҳбари бўлиб, иштирокчиларни бирлаштиришга, жинойий ниятни амалга ошириш мақсадида уларнинг тартибли хатти-ҳаракатларини таъминлашга интилади.

Ташкилотчи жиноят режасини ишлаб чиқади, бошқа иштирокчиларни танлайди, уларнинг орасида вазифаларни тақсимлайди, йўл-йўриқлар кўрсатади. Ташкилотчи фақатгина уюшган гуруҳ ёки жинойий уюшма таркибида эмас, балки вазифалар тақсимланишидаги иштирокчиликда ҳам бўлади. Ташкилотчи деганда, жиноятга тайёргарлик кўрилиши ёки содир этилишига раҳбарлик қилган шахс тушунилади. Жиноят ташкилотчисининг мазкур таърифидан келиб чиқиб ташкилотчилик фаолиятининг икки турини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- 1) жиноятга тайёргарлик кўрилишига ташкилотчилик;
- 2) жиноят содир этилишига ташкилотчилик.

Жиноят содир этишга қизиқтирган, яъни қасддан бошқа шахсда қонун билан тақиқланган муайян ижтимоий хавфли қилмиш содир этишга қатъият уйғотган шахс далолатчи деб топилади. Далолатчилик - бу муайян шахс ёки бир гуруҳ шахсларни муайян аниқ бир жиноят содир этишга қизиқтиришдир. Умуман олганда жиноят содир этишга умумий ёки ноаниқ шахслар гуруҳини далолат қилиш далолатчилик ҳисобланмайди. Бундай ҳаракатлар муайян ҳолларда алоҳида жиноят

таркибини ташкил қилиши мумкин. Масалан, давлат тузумини конституцияга хилоф равишда ўзгартиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш жинояти (Жиноят кодекси 159-моддаси). М.Рустамбоев дало- латчилик восита ва шаклларининг тўла рўйхатини қонунда мустах- камлаб қўйиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Зеро, далолатчининг қандай восита ва шаклларни ишга солгани эмас, балки бу воситалар қанчалик самара бергани муҳимдир. Далолатчилик оғдириб олиш, илтимос қилиш, ишонтириш, кўндириш, буйруқ бериш, зўрлик ишла- тиш, алдаш ва бошқа йўллар билан амалга оширилиши мумкин. Дало- латчининг бу ташқи ифодаланиш шакллари ёзма ёки оғзаки фао- лиятда, конклюдент ёки бошқа ҳаракатларда(имо-ишора ва б.) юзага чиқиши мумкин.

Жиноятнинг содир этилишида иштирок этувчи шахслардан яна бир тури бу - ёрдамчи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 28-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, «Жиноят содир этилишига ўз маслаҳатлари, кўрсатмалари билан, воситалар бериш ёки тўсиқларни йўқотиш билан кўмаклашган, шунингдек жиноятчи- ни, жиноят содир этиш қуроли, излари ва воситаларини ёхуд жиноий йўл билан кўлга киритилган нарсаларни яширишга, шунингдек бун- дай нарсаларни олиш ва ўтказиш тўғрисида олдиндан ваъда берган шахс ёрдамчи деб топилади» . Суд-тергов амалиётида ёрдамчилик иштирокчиликнинг кўп учрайдиган туридир. Жиноят кодекси 28-моддаси бешинчи қисмининг таҳлили шуни кўрсатадики, жиноятда ёрдамчилик икки кўринишида:

- жисмоний ёрдамчилик;
- руҳий ёрдамчилик кўринишларига эга бўлади.

Жиноят ҳуқуқида ёрдамчи билан далолатчини бир-биридан фарқлаш лозим. Юридик фанлари доктори, профессор М. Ҳ. Рустамбаев «ёрдамчи далолотчидан шуниси билан фарқ қиладики, у ўзининг ҳаракати билан жиноятнинг бошқа бир иштирокчисида жиноят содир этиш истагини вужудга келтирмайди, бу ҳолат ёрдамчиликни амалга оширгунга қадар вужудга келади» деган фикрни билдиради. Дарҳақиқат, мазкур фикр ўзининг назарий ва амалий асосларига эга ҳисобланади.

Иштирокчиларнинг жиноятда ҳамкорлик қилиш усули, яъни уларни жиноятни бажаришдаги ташқи (объектив) ҳамда ички (субъектив) алоқа қилиш усулларига қараб гуруҳларга ажратиш иштирокчилик шакллари деб юритилади. Ўзбекистон Республика- сининг ЖК 29-моддасига асосан қуйидагилар иштирокчиликнинг шакллари ҳисобланади:

- оддий иштирокчилик;
- мураккаб иштирокчилик;
- уюшган гуруҳ;
- жиний уюшма.

Иштирокчиликнинг биринчи шаклида жинийнинг олдиндан тил бириктирмай содир этилганлиги учун иштирокчиликнинг бошқа шахсларга нисбатан ижтимоий хавфлилиги камроқ. Чунки улар биргаликда ҳаракат қилса-да, уюшганлик белгиси йўқ, аммо жиний биргаликда содир қилинганлиги учун иштирокчиликнинг энг содда шаклига киритилган.

Мураккаб иштирокчилик биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши, бу фаолиятнинг йўналтирилганлиги ва бевосита бажарувчи билан бир қаторда ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи ёки ҳеч бўлмаганда улардан бирининг мавжудлиги билан тавсифланади. Бошқача қилиб айтганда, мураккаб иштирокчилик икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб шахснинг олдиндан тил бириктириб жиний содир этилишида ифодаланади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиний фаолият олиб бориши учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб топилади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларида уюшган гуруҳни тавсифловчи белгиларни аниқлаш юзасидан тушунтиришлар берилган. Хусусан, қайд этиладики, «уюшган гуруҳ деганда транспорт воситаларини олиб қочиш ёки бошқа жинийларни содир этиш мақсадида икки ёки кўп шахсларнинг барқарор бирлашмаси тушунилиши керак». Мазкур қоида уюшган гуруҳ белгилари бўйича содир этилган бошқа жинийларни квалификация қилишга ҳам бирдай тегишлидир.

Жиний уюшма иштирокчиликнинг ўта хавфли тури бўлиб, у ўта хавфли жинийларни содир қилиш ёки узоқ муддат жиний фаолият олиб бориш учун тузилади. Жиний уюшманинг ЖК 29-модданинг 5-қисмида назарда тутилган шаклида энг камида иккита уюшган гуруҳнинг жиний фаолият олиб бориши учун бирлашиши, бирлашган уюшган гуруҳнинг барқарорлиги билан ифодаланиши мумкин. Бунда ҳар бир уюшган гуруҳнинг раҳбари жиний уюшманинг бош раҳбари кўрсатмалари ёки топшириғи асосида иш олиб бориш, яъни поғонали бўйсунтириш принципига риоя қилинган ҳолда ташкил этилиши мумкин. Иштирокчиликнинг бу шаклида уюшган гуруҳлар қуролланган ёки қуролланмаганлигининг аҳамияти йўқ. Агар уюшган гуруҳ ташкил этиш ҳали жинийга тайёргарлик кўриш, деб ҳисобланса, жиний

уюшма тузишнинг ўзи тамом бўлган жиноят деб топила- веради. Жиноий уюшма тузишнинг ўзи мустақил жиноят таркибини ташкил қилганлиги боис, шундай деб квалификация қилиш учун асос бўлаверади. Агарда жиноий уюшма ҳали жиноий фаолиятни бошламасдан фож этилган бўлса, жиноий уюшма тузиш тамом бўлган жиноят деб, улар ният қилган жиноятни содир қилишга тайёргарлик кўриш деб жиноятлар жами тарикасида квалификация қилинади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларга қарши курашишда мавжуд миллий қонунчиликни такомиллаштириш, иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш бўйича кенг қамровли чоратадбирларни амалга ошириш, бу соҳадаги халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, ривожланган давлатлар жиноят қонунчилиги жазо тизимининг ижобий хусусиятларини ўрганиб, миллий қонунчилигимизга татбиқ этиш ушбу турдаги жиноятларга қарши курашда ижобий натижаларга эришиш имкониятини яратади.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Югай, Людмила. "Судебно-экспертная деятельность в Республике Узбекистан в эпоху цифровизации." Современные тенденции развития цифровизации в сфере юстиции 1.1 (2022): 35-40.
2. Югай, Л. Ю. "Некоторые аспекты использования инновационных технологий биометрической идентификации личности в противодействии преступности: опыт Республики Узбекистан." (2022).